

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 31-ЯНВАР, СЕШАНБА, 14 (7943) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Сариосиё туманидаги "Тўпаланг олтин бағири" фермер хўжалиги ишини янада ривожлантиришда ўтган йилнинг бошида "Агробанк"нинг Сариосиё тумани филиалидан ажратилган 50 миллион сўмлик узоқ мuddатли кредити кўл келди. Ушбу маблағ ҳисобига Чиноздаги ихтисослаштирилган балиқ хўжалигидан оқ амур, дўнгпешона, зогора балиқ чавоқлари олиб келинди...



Олимларимизнинг мулоҳазаларига қараганда, кишиларнинг соғлими ва узоқ умр кўришига салбий таъсир кўрсатадиган омилларнинг 22-25 фоизини экология ҳолатининг ёмғирлашуви ташкил этар экан. Шу жиҳатдан жамиятимиз ривожланиши ва ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари, тетик ва узоқ умр кўришларида экологик тарбиянинг роли бениҳоя каттадир.



Қарши шаҳридаги Маҳолот маҳалласида истиқомат қилувчи Тўхтаевлар оиласини барча "Файзли хонадон" дея эъзозлайди. Бонси, хонадон эгалари ақилликда, ҳамжиҳатликда барчага ўрнак бўлаётир.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги инвестицияларни жалб этамиз.

Ислом КАРИМОВ

БЕЖИРИМ ГИЛАМЛАР ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларини модернизациялаш, техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ўз натижасини бермоқда. Бу, аввало, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришда намоён бўлаётир. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида айтиш мумкин, «Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги инвестицияларни жалб этамиз», дея алоҳида таъкидладилар. Жиззах вилоятидаги "Evroasia karpet" кўшма корхонаси фаолияти билан танишар эканмиз, бу фикрларнинг нақадар ҳаётини эканлигига яна бир қарра амин бўлдик.



"Evroasia karpet" кўшма корхонаси раҳбари Улуғбек Мансуров (чапдан) ҳамда ишчилар Ғолиб Мамадалиев, Гулҳай Маҳкамоевалар.

Мазкур корхонада бозор муносабатлари, миқдорларнинг талаб-истақлари асосида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Дастлаб корхона ахли 3 турдаги кичик гиламлар ишлаб чиқариб келган бўлса, кейинги йиллар давомида Германия, Франция давлатларида ишлаб чиқарилган гилам тўқуш ускуналари билан қайта жиҳозлангилар. Айниқса, ўтган йили Бельгиядан "SEPI-82-42", "CRP-82-420", "CRP-92-500" русумли ускуна-

лар келтирилган, иш қўлами ва сифати кескин ортиди. Компьютерлаштирилган ушбу дастгоҳларни 100 нафарга яқин маҳаллий ёшлар кечю кундуз навбати билан бошқариб келмоқда. Бозор иқтисодиёти ўрганилиб, миқдор-

лар талабига мос маҳсулотлар тайёрлаш имконияти кенгайди. Айнан шу нарса ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатининг янада ошишига, миқдорлар сони кўпайишига олиб келди. (Давоми 2-саҳифада)

АНЖУМАН

Йўл босган йўловчи маълум манзилга етгач, бир нафас тўхтайдди. Бир орта назар солади — босган йўлни таҳлил қилади, бир борар манзилига қарайди — таратдуд кўради, режалар тузади. Бугун янги йил режасини тузиб, ўтган йилни таҳлил этмоқдамиз. Ўтган йил ҳақида сўз борар экан, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўхталамиз. Зеро, ушбу соҳа ҳар биримизнинг ҳаётимиз, умуман жамиятда муҳим ўрнига эга. Мамлакатимиз аҳолисининг салкам 75 фоизи айнан шу соҳада бандлигини ҳисобга олсак ҳам фикримиз равшанлашади.

УСТУВОР Йўналишлар таҳлили

2011 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 54 фоизни, саноатдаги улуши 20,7 фоизни экспортда эса 16,2 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Марказий Кенгаши йиғилишида айтиш мумкин, хусусий сўз борди, ўтган йил якунлари таҳлил этилди, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилдики, Савдо-саноат палатаси томонидан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида ишбилармонлик муҳитини яратиш, бизнес юртиш шарт-шароитлари, руҳан бериш тартибларидан ўтиш ва кредит-молиявий ресурс масалалари бўйича сўрономалар ўтказиш тизими янада такомиллашди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида, ўтган давр мобайнида Савдо-саноат палатаси вакиллари назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган 700 дан ортиқ хўжалик субъектларини текшириш жараёнида қатнашилди. Ҳисобот даврида судларга умумий миқдори 471,1 миллиард сўмлик 11718 та даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини қўлайитириш ва уларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида Республика буйича жамоат кенгаши аъзолари фаолият олиб бормоқда.

Хусусий секторга кўрсатиладиган ахборот ва маслаҳат хизматлари сифатини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси ҳамкорлигида, худудлардаги Ахборот Маслаҳат Марказлари қошида Бизнес Марказлари ташкил этилди. Мазкур марказлар Палатанинг корпоратив тармоғи орқали асосий серверга уланган электрон терминал/киосклар ёрдамида ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишга қаратилган. Бир қатор вилоятларда "Ягона дарча" маркази ҳам иш олиб бормоқда. Маҳаллий тадбиркорларга ишончли ҳамкорлар излаш ва улар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, кўшма корхоналар ташкил қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Палата томонидан Ўзбекистонда маҳаллий корхоналарнинг экспорт фаолиятини янада жадаллаштириш ва уларга миллий маҳсулотларни экспорт қилишда қўмаклашишга қаратилган кооперация биржалари ўтказилди. Унда ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари натижаси ўлароқ, 91 та корхона 108,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларини экспорт қилишга эришди. (Давоми 2-саҳифада)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли муассасалар ва ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун тест синовлари ўтказилди. Ўтказилган тестларда яхши натижаларга эришган ҳарбий хизматчилар жорий йилнинг март-апрель ойларида захирага бўшатиш пайтида ўз ҳарбий қисмлари қўмондонлигининг тавсияномаларини олади.

ИМТИЁЗЛАР — ЭНГ ИЛГОР АСКАРЛАРГА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртлирига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилди.

Ўтказилган тест синовларида ёш ҳарбий хизматчиларнинг билимига ҳаққоний баҳо берилди, — дейди Тошкент ҳарбий округи тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи, майор Муроджон Рўзибоев. — Бинобарин, улар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда нафақат жисмонан чинқиб, руҳан тобланади, балки ўз билим даражасини ҳам оширади. Ўқув жараёни фанлар ва мутахассисликларни ўз ичига оладиган, ҳарбий ишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, тезкор операциялар ва жанговар ҳаракатларни ақс эттирувчи замонавий ўқув дастурларига асосланади. Бундан ташқари, улар турли ихтимолий фанлар бўйича ҳам тайёргарликдан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимларининг фикрича, Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли муассасалар ва ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг билимини баҳолаш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмади. Тест синовлари ҳарбий ва маънавий-маърифий тайёргарликка оид 50 саволни ўз ичига олган эди. Синқиклаб текширилганда сўнг, барча тест синовлари натижалари тегишли ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилди ва айнан шу маълумотлар тавсияномалар берилишида асос бўлиб хизмат қилади.

— Ҳарбий хизматни ўташ билан бирга ўз билиминини ҳам ҳар томонлама оширишга ҳаракат қилмоқдаман, — дейди оддий аскар Тўлқин Аббосов. — Шунинг учун ҳам барча саволларга тўри жавоб бердим, деб ўйлайман. Мен жорий йилда Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирмоқчиман. Агар тавсиянома олишга эришсам, бу ана шу мақсадимга етишимда муҳим қадам бўлади.

Мuddатли ҳарбий хизматчиларни тест синовларидан ўтказиш бугун мамлакатимиз бўйлаб бир вақтда амалга оширилди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎА муҳбири.

Қашқадарё Вилояти

МўЛ ҲОСИЛ ИШТИЁКИДА

Қашқадарёлик пиллачилар жорий йилда 3000 тонна "кумуш тола" етиштиришни режа қилишди.

Мўл ҳосил учун улар ҳозирда оқ пухта тайёрларлик кўришмоқда. Шу мақсадда фермер хўжалиқлари таркибидagi пиллачилик звенолари билан контрактация шартномалари тузилди. Уларга ҳосил етиштириш учун бўнак пуллари беришга киришилди.

— Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртлирига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилди.

Ўтказилган тест синовларида ёш ҳарбий хизматчиларнинг билимига ҳаққоний баҳо берилди, — дейди Тошкент ҳарбий округи тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи, майор Муроджон Рўзибоев. — Бинобарин, улар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда нафақат жисмонан чинқиб, руҳан тобланади, балки ўз билим даражасини ҳам оширади. Ўқув жараёни фанлар ва мутахассисликларни ўз ичига оладиган, ҳарбий ишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, тезкор операциялар ва жанговар ҳаракатларни ақс эттирувчи замонавий ўқув дастурларига асосланади. Бундан ташқари, улар турли ихтимолий фанлар бўйича ҳам тайёргарликдан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимларининг фикрича, Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли муассасалар ва ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг билимини баҳолаш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмади. Тест синовлари ҳарбий ва маънавий-маърифий тайёргарликка оид 50 саволни ўз ичига олган эди. Синқиклаб текширилганда сўнг, барча тест синовлари натижалари тегишли ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилди ва айнан шу маълумотлар тавсияномалар берилишида асос бўлиб хизмат қилади.

— Ҳарбий хизматни ўташ билан бирга ўз билиминини ҳам ҳар томонлама оширишга ҳаракат қилмоқдаман, — дейди оддий аскар Тўлқин Аббосов. — Шунинг учун ҳам барча саволларга тўри жавоб бердим, деб ўйлайман. Мен жорий йилда Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирмоқчиман. Агар тавсиянома олишга эришсам, бу ана шу мақсадимга етишимда муҳим қадам бўлади.

Мuddатли ҳарбий хизматчиларни тест синовларидан ўтказиш бугун мамлакатимиз бўйлаб бир вақтда амалга оширилди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎА муҳбири.

қайта ишлаш корхоналари томонидан ойлик маошлари белгиланди. Шу ўринда айтиш керакки, уч юз боши зиммасига гоят масъулият вазифа юклатилган. У тут дарахтларига ишлов бериш, уларни пайвон қилишдан асраш, янги тутзорлар барпо қилиш бўйича ишчи гуруҳлари фаолиятини тиклаш натижасида қилади. Шу билан бирга, ҳар бир ишчи гуруҳга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратта олади.

Айни пайтда вилоят бўйича 50 минг гектардан ортиқ 60 килограммдан ҳосил олиш мақсадида бутун куч ва имкониятлар ишга солинган. Бунинг учун мавҳуд 8871 гектар майдондаги тутзорларни парваришлаш, эски тут дарахтлари ўрнига янгисини экиш, уларни суғориш ва озиклан-тиришини самарали агротехник қондалар асосида олиб бориш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Наманган Вилояти

ТАДБИРКОРЛАР ЮТУҒИ

Мамлакатимиз Президенти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган улкан имконият ва қўлайликлар, берилган имтиёзлар тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда

Косонсой нафақат уста деҳқонлар, миришкор бағбонлар, балки тадбиркорлар юрти ҳам ҳисобланади. Айни пайтда туманининг қишлоқ ёки маҳаллаларида халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланётган кишилар ҳам кўп. Туманда ўтган йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани бонс ишлаб чиқариш ҳажми орди, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида туманда 5722 та янги иш ўрни яратилди, — дейди туман ҳокими Уктамжон Эргашев. — Хусусан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 1787 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтиришдан 749 та, хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш натижасида 625 та, уй меҳнатининг барча манбаларини йўлга қўйишдан 1849 та, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига

240 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий бозор инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 449 та, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш натижасида 29 та янги иш ўрни яратилди. Тумандаги тижорат банклари томонидан паррандачиликни ривожлантиришга 267,1 миллион, чорвачиликка 612,5 миллион, балчилик учун 4 миллион, мева-сабзавотчиликка 348 миллион, картошка уруғини сотиб олишга 257,9 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди.

Жорий — Мустақам оила йили



да туманда аҳолига маданий-маиший, коммунал ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, фаолиятни тўхтаб қолган корхоналарни соғломлаштириб, маҳаллий хомашё ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, элликдан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш режалаштирилган. Жумладан, "Зохда бурда" хусусий корхонасида тикувчилик фаолияти йўлга қўйил-

са, "Мархаб" хусусий корхонасида сочиқ, коммунал ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, фаолиятни тўхтаб қолган корхоналарни соғломлаштириб, маҳаллий хомашё ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, элликдан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш режалаштирилган. Жумладан, "Зохда бурда" хусусий корхонасида тикувчилик фаолияти йўлга қўйил-

Бухоро вилояти

ОИЛАВИЙ ДАРОМАД ОИЛАНING МУСТАҲКАМ АСОСИ

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ВА АНИҚ МАҚСАДГА ЎЛАНТИРИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ОИЛАНING ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИ ҲИСОБЛНАДИ. ИҚТИСОДИЁТИ БАҚУВВАТ БЎЛГАН ОИЛАНING ЭСА МУСТАҲКАМ, ТИНЧ-ТОТУВ БЎЛИШИГА ШУБҲА ЙЎҚ, ДЕЙИШМОҚДА ЖОНДОРЛИК ТАДБИРКОР АЁЛЛАР.

Нигора Бозорова тумандаги Кароли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бўрибоғи қишлоғида истикомат қилади. Уни тадбиркор аёл ва қўли гул, чаққон чевар сифатида туманда кўпчилик яши танийди. Дастлаб 2 та тикув машинасини харид қилиб, ўз уйда қишлоқ қиз-жувонлари билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Нигора опага вақт ўтиб буюртмалар шу қадар кўпайиб кетдики, натижада ҳовлидаги бир хона тадбиркорга иш юритиш учун "торлик" қилиб қолди. Шу боис, Нигора опа тикув цехи очиб мақсадида ҳаракат бошлади. Тиниб-тинчимас аёл эмасми, қисқа вақтда қишлоқ ҳудудида "Гулмеҳри Нурафшон" тикув цехи қад ростлаб иш бошлади. Бу ерга тадбиркор томонидан 10 та замонавий тикув машиналари ўрнатилди. Бу ускуналар нафақат аҳоли талаби асосида енгил устки кийим, балки корхоналарнинг буюртмаси асосида махсус кийим-бош ва кўрпа-кўрпачалар тикиб имконини ҳам берди. Бугун цехда ишлаётган 15 нафар маҳаллий ишларнинг қўли қўлга тегайди. Сабаби, ҳар ойда тикув цехида ўрта ҳисобда 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йиллар давомида Нигора

опа уста-шогирд аънаси асосида иш олиб бориб, 30 дан ортққ ёшларга ўз касбининг сирларини ўргатади. Бугун опанинг Шоҳсанам Бозорова, Умринисо Олимова, Кумри Абдуллаева каби шогирдлари ўзларининг тикув цехларини ташкил қилиб, мустақил равишда фаолият олиб боришмоқда. Нигора опа тадбиркор аёл сифатида вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўлаб тадбирларда иштирок этган. Шундай тадбирларнинг бирида Риштон кулларининг маҳсулотлари унда катта қизиқиш уйғотди ва бу хунарнинг сир-асрорларини маҳаллий ёшларга ўргатиш ниятида водийлик хунармандлар билан ҳамкорлик қилди. Ҳатто, 2001 йилда Риштондан хунармандларни Жондорга қорлаб, бу ерда муъжазгина кулоччилик цехи фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Цех ёнидаги 50 сотихли ер майдонини ижарага олиб, боғ барпо этди. Ҳозирда бу ерда оиланинг эҳтиёжи учун зарур бўладиган сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда. Оилада эса паррандачилик ва чорвачилик ҳам йўлга қўйилди. Тадбиркорлар оиласи ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл уришди. Ҳовли сатҳидаги 3 сотихли жойда сунъий ҳовуз ташкил

этилиб, балиқчилик ҳўжалиги ҳам ташкил этилди. Нигора опа ва унинг турмуш ўртоғи Ризоқул ақанинг 6 нафар фарзандлари бор. Фарзандларнинг барчаси оиладаги тадбиркорлик юмушлари билан банд. Даромадлар эса чакки эмас. — Бўрибоғи қишлоғимиз бағридан табиий маъданларга бой, шифобахш сув чиқадиган жой бор, — дейди биз билан суҳбатда тадбиркор Нигора Бозорова. — Тиббий таҳлиллар бу сувнинг тарихи хусусида ихобий кўрсаткичлар берилган. Келгусида шу сувни қадқоқлаш цехини куриш нияти бор. Жамият раҳбари Хушвақт опанинг эндиги режаси туман марказидан ер майдони олиб, муҳташам бир мажмуа барпо этиб, ёшлар учун ўқув маркази, амалиёт ўташ учун тикув цехи, савдо дўкони куриши. Ҳозирда бу борада амалий ишлар бошлаб юборилган. — Туманимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз оиласининг иқтисодидаги ҳисса қўшаётган, маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратяётган, хизматлари ва ишлаб чиқаряётган маҳсулотлари билан элнинг қорига камарбаста бўляётган аёлларимиз талайгина. Чорвачи-



Оилавий тадбиркорлар Нодира Бозорова ва Ризоқул Бозоровлар.

лик йўналишида фаолият кўрсатяётган Нодира Ражабова, фермер Зайнаб Назирова, қандолат ва миллий ширинликлар цехини бошқаряётган Сабоҳат Қулиева, сунти қайта ишлаш корхонаси раҳбари Мамлакат Тошева кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин, — дейди туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Манзура Саидова. Ҳа, аёл тадбиркор ва ишбилармон бўлса, рўзгорнинг кўт-баракаси ортиши турган гап. Энг асосийси, бундай оилаларда тинчлик-хотиржамлик, тўқин-соқинлик таъминланади. Биз бу фикрларни жондорлик тадбиркор аёллардан эшитдик. Ҳаётий тажрибаларга асосланиб айтилган бу фикрларга биз ҳам қўшилган ҳолда, юртимиздаги ҳар бир оилада осойишталик бўлишини тилаб қоламиз.

Хамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳақида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2011 йилдаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди. Ўтган йилда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси устандан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айнқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди. Ҳайъат мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иқтисодий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан назоратни кучайтириш ҳамда бу борада мутасадди идоралар томонидан йўл қўйлаётган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф эттириш зарур чораларини кўриш топширилди. Шунингдек, жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан оилани, айнқса, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътиборни кучайтириш бўйича вазифалар юклатилди. Қишлоқ жойларда уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектлари

Хоразм вилояти

Олимпаримизнинг мулоҳазаларига қараганда, кишиларнинг соғлиги ва узоқ умр кўришига салбий таъсир кўрсатадиган омилларнинг 22-25 фозини экология ҳолатининг ёмонлашуви ташкил этар экан. Шу жиҳатдан жамиятимиз ривожланиши ва ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари, тетик ва узоқ умр кўришларида экологик тарбиянинг роли бениҳоя каттадир.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди

Яқинда Урганч шаҳридаги вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган "Барқарор ривожланишда экологик таълим-тарбиянинг ўрни" мавзусидаги давра суҳбатиде йиғилганларнинг асосий диққат-эътибори ана шу долзарб масалага қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими, Урганч давлат университети, вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси Илҳом Отажонов "Таълим муассасаларида экологик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар" мавзусида маъруза қилди. Давра суҳбатиде сўзга чиққан УрДУнинг "Барқарор ривожланиш ва экология" кафедраси мудири Озод Раҳмонов ҳамда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори Жумамурод Раҳимовлар вилоят таълим муассасаларида экологик таълим ва тарбиянинг олиб борилиши масалаларига тўхтади.

Давра суҳбати катнашчилари экологик таълим ва тарбияни таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсияларни ўртага ташладилар ва уни ишлаб чиқиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ҳолмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

БЕЖИРИМ ГИЛАМЛАР ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

(Боши 1-саҳифада) Таннархони оз бўлса-да қамайтириш мутахассисларни қизиқтираётган асосий масала эди. Бунинг йўли топилди. Ҳозир гранула олиб келиниб, қайта ишлаш асосида турли рангдаги иплар тайёрланапти. Изланиш давом эттириляпти. Натижада 4 миллиард 563 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Буни қисқа вақт мобайнида 1 миллиард 424 миллион сўмлик ип ишлаб чиқарилганлигидан ҳам билса бўлади.

Корхона жамоаси 2011 йилда 6 миллиард 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шундан хорижга 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот экспорт қилинди. Соф даромад 1 миллиард 500 минг сўмни ташкил этди. Бунинг асосий қисми корхона нуфузини бундан-да баландроқ кўтариш ва ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлари учун сарф этилмоқда.

Корхона ишчи-хизматчиларининг фикр-мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик. Жумладан, муҳандис Диёр Муродов шундай дейди. — Корхонамиз жамоаси янги режалар устида изланмоқда. Бу йил Жиззах туманидаги Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги гилам цехини қўша корхонага айлантириш мўлжалланмоқда. — У ерда акрел ипи ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу ишларимиз амалга ошса, яна 100 нафар ҳаюртимиз мўқим иш ўрнига эга бўлади.

Бу ерда бажарилаётган иш жараёнлари турлича, аммо унга бўлган муносабат, кўтаринки кайфият бир хил. Смена охирида қолганлигига қарамадан ишчилар юз-кўзида хоржинлик эмас, аксинча, янада кўпроқ ишлашга бўлган иштиёқ, ўз касбига бўлган муҳаббат, рағбат сезилиб туради. Негаки, улар ёшига, малакаси ва ма-



Ип ўрвочи Маҳиё Абдураҳмонова касбидан мамнун.

хоратига мос доимий иш ўрнига эга бўлган, келахакка ишончи мустаҳкам замондошларимизки, буни улар билан танишиб, суҳбатлашганда англаш мумкин. Лазиз МАМАТҚУЛОВ

Анжион вилояти

Анжион қишлоқ ҳўжалик институтида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тарққётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛАРИ

Унда институт профессор-ўқитувчилари, ходимлар ва фаол талабалар иштирок этишди. Тадбирда маъруза мазмун-моҳиятини аҳоли, айнқса, ёшлар онгига сингдириш бўйича кенг қўламли тарғибот ишларини олиб боришда фаол иштирок этиш, белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш бўйича режалар келишиб олинди. Институтнинг етакчи профессор-ўқитувчиларидан тайинланган мураббийлар томонидан барча таълим йўналишлари талабалари билан ушбу маърузани "Мураббийлар соати" машғулотида ўрганиш ташкил этилди. Ҳабибжон СИДДИҚОВ

«АГРОБАНК»: ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ДАВР ТАЛАБИ



Бугунги кунда республикамизда дехқон ва фермер ҳўжаликлари томонидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда етиштирилган маҳсулотларини қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банк томонидан олиб бораётган молиявий қўллаб-қувватлаш сатъ-ҳаракатлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Банк ўз сармоялари ҳисобидан истиқболли тармоқларни ривожлантириш ва шу тариқа озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, элимиз дастурхонини тўқин-соқин бўлишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бир маромда таъминлаш, яъни чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида ўтган 2011 йилда 94,2 миллиард сўм кредит ажратилди. Жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга 31,6 миллиард сўм, паррандачиликка 18,6 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичиликка 1,8 миллиард сўм ҳамда иссиқхоналар ташкил этишига 5,4 миллиард сўм кредит маблағлари берилди.

Айнқса, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга қаратилган лойиҳаларни амалда жорий қилиш учун 7,8 миллиард сўм кредит ажратилди. Масалан, Сароисё туманидаги "Тўпаланг олтин баллиги" фермер ҳўжалиги ишини янада ривожлантиришда ўтган йилнинг бошида "Агробанк"нинг Сароисё тумани филиалидан ажратилган 50 миллион сўмлик узоқ муддатли кредити қўл келди. — Ушбу маблағ ҳисобига Чиноздаги ихтисослаштирилган балиқ ҳўжалигидан оқ амур, дўнгтешона, зогора балиқ чавқоқлари олиб келиди, — дейди "Тўпаланг олтин баллиги" фермер ҳўжалиги раҳбари Мухаммадали Мухаммадиев. — Бугун кўларимиздан ҳар бири 1-1,2 килограмм тош босадиган балиқлар овлан, Сароисё, Узун ва Денов туманлари бозорларида сотаяпти. Даромадимиз кўпайди.

Унинг бир қисмини кредитни қоплашга йўналтирсак, асосий қисмини ҳўжалик фаолиятини кенгайтиришга ишлатамиз. "Агробанк" молиявий мадади туфайли ишларимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб кетди. Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда боғдорчиликни, хусусан, интенсив боғларни ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 18 та фермер ҳўжалигига 1,7 миллиард сўмдан ортққ сармоялар йўналтирилди. Чўнончи, Сурхондарё вилояти Сароисё тумани "Дашнобод боғлари" фермер ҳўжалигига боғдорчиликни ривожлантиришга ажратилган 660 миллион сўм кредит ҳисобига Туркиядан 24 минг дона, "Бодомзор" фермер ҳўжалигига берилган 450 миллион сўм кредит ҳисобига 12 минг дона пакана олма дарахти қўчатлари олиб келинди ва бугунги кунда қўчатлар фермер ҳўжаликларининг ер майдонларида

ўстирилмоқда. Мазкур фермер ҳўжаликлари ерларига экилган пакана ва ярим пакана олма дарахти қўчатлари жорий йилдан бошлаб ҳосилга қиради. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2011-2015 йиллар даврида ҳудудларда қуриладиган, реконструкция ва модернизация қилинадиган совиткичи сизимларнинг манзилли дастури тасдиқланган. Ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳам "Агробанк" фаоллик кўрсатмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурга асосан 16 та ёпиқ совиткичи сизимлар куриш учун молия муассасаси томонидан 2,2 миллиард сўм маблағлар ажратилди ва 2170 тонна ҳажмдаги маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган сизимлар ишга туширилди. Бугунги кунда бу совиткичи сизимлар тўлиқ ҳажмда ишга туширилган бўлиб, қуз мавсумида



йиғиштириб олинган сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари захираси сақланмоқда. Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Китоб фреш фрут" хусусий корхонаси банкнинг 40 миллион кредити эвазига 300 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган совиткичи сотиб олиб, ишга туширди. Айна пайтда ушбу музлаткичда 270 тонна олма, 30 тонна узум сақланмоқда. Шунингдек, Андижон вилояти Улғунор туманида жойлашган "Нигина" хусусий фирмаси ҳам банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига 150 тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини сақ-

лашга мўлжалланган совиткичи ишга туширди. Ҳозирги кунда унда 120 тонна сабзи, 30 тонна лавлаги маҳсулоти сақланмоқда. Замон рўқини ўз фаолият дастури доирасида ҳаётга жорий қилишни мақсад қилган "Агробанк" жамоаси бугун амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳалқимиз дастурхонининг доимо мева-сабзавотлар билан тўқинлигини таъминлашга эришилишига ишонч кўзи билан қарайди ва истиқболли тармоқларни, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга ҳамisha тайёр. Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧJNING ХУДУДИЙ ФИЛИАЛРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИК ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!



«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧJ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақома-сининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани ҳокими-нинг 2012 йил 28 февралдаги 17-К-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шах-сларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойда-ланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

- 1. Аҳолига савдо, уюмий оқватланиш ва маиший хиз-мат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Ян-гиқўрғон ҚФЙ, Янгиқўрғон қишлоғи ҳудудида жойлаш-ган, майдони 1500,0 кв.м.дан иборат бир донга ер май-донидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 408 835 сўм.
2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Прикент ҚФЙ, Ойтағли қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 500,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер май-донига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 136 278 сўм.
3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Янгиқот ҚФЙ, Янгиравот қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 500,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер май-донига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 136 276 сўм.
4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Навоий ҚФЙ, Қурилиш қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 300,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер май-донига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 81 767 сўм.
5. Маиший маркази ва савдо мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Қоратери ҚФЙ, Қириқдоран қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 600,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер май-донига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 534 сўм.
6. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Оқдара тумани, Лойиш шаҳарчаси, Меҳнат кўчаси ҳудудида жойлашган, майдони 200,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер май-донига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 511 сўм.
Мажбуриятларнинг бошланғич ҳаҷми Оқдара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳар-роз-лик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳаррозлик топ-шириғи нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўри-сида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 1 октябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.
Танловда иштирок этиш учун талабдорлардан бюр-томаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йилнинг 28 фев-раль кuni соат 18:00 да тўхтатилади.
Талабдорлар танловда қатнашиш учун бюртомана берилишидан олдин танлов ташкилотчиси билан туза-диланган закатал келишувига асосан, ер устаксининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорига закатални закатал келишувига асо-сан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Оқдара тумани, Лойиш шаҳарчаси, Оқдара ту-мани ҳокимиати биносида 2012 йилнинг 29 февраль кuni соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 29 февраль кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқ-ланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.
Қорридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 29 февраль кuni сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан тақдирий танлов сав-долари 2012 йилнинг 28 март ва 27 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қилинади.
Тақдирий танловда иштирок этиш учун талабдорлар-дан бюртоманаларни қабул қилиш 2012 йил 27 март ва 26 апрель кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.
Тақдирий танлов иштирокчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Оқдара тумани ҳокимиати биносида 2012 йил 28 март ва 27 апрель кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов голиби аниқланади.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақома-сининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Пах-тачи тумани ҳокимиати 2012 йил 14 январдаги 17-К-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шах-сларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойда-ланиш ҳуқуқи тақдоран қўйилмоқда:

- 1. Савдо дўкони ва сартошоҳона биноси қуриш учун, Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ, Бодой қишлоғи ҳудудида жойлашган, 600,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдон-идан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 560 сўм.
2. Хуқуқлик моллари савдо дўкони қуриш учун, Пах-тачи тумани, Мисит ҚФЙ, Бодой қишлоғи ҳудудида жой-лашган, 600,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 560 сўм.
3. Маросимлар ўтказиш мажмуаси биноси қуриш учун, Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ, Бодой қишлоғи ҳудудида жойлашган, 2000,0 кв.м.дан иборат бир донга ер майдон-идан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 545 600 сўм.
Мажбуриятларнинг бошланғич ҳаҷми Пахтачи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳар-роз-лик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳаррозлик топ-шириғи нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўри-сида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 ноябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.
Танловда иштирок этиш учун талабдорлардан бюр-томаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йилнинг 29 фев-раль кuni соат 18:00 да тўхтатилади.
Талабдорлар танловда қатнашиш учун бюртомана берилишидан олдин танлов ташкилотчиси билан туза-диланган закатал келишувига асосан, ер устаксининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорига закатални закатал келишувига асо-сан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Пахтачи тумани, Зайвуддин шаҳарчаси, Ис-тиқлол кўчаси 58-уй, Пахтачи тумани ҳокимиати биноси-да 2012 йилнинг 1 март кuni соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 1 март кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талаб-гор танлов голиби деб топилади.
Қорридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 1 март кuni сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан тақдирий танлов савдолари 2012 йилнинг 2 апрель ва 1 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиш маълум қилинади.
Тақдирий танловда иштирок этиш учун талабдорлар-дан бюртоманаларни қабул қилиш 2012 йил 31 март ва 30 апрель кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.
Тақдирий танлов иштирокчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Пахтачи тумани ҳокимиати биносида 2012 йил 29 апрель ва 1 май кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов голиби аниқланади.
Ер устаксининг бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мажмуи эмас.
Танлов ташкилотчиси - «Ko`chmas mulk savdo xizmati» MЧJ Самарқанд вилояти филиали. Танлов ташкилот-чисининг маънази: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўча-си, 85-А" уй. Телефон/факс: (8-366) 233-80-56, элек-трон почта: rieltavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

